

САБЗИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА УНДАН ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ФОЙДАЛАНИШ

Х.М.Маматов

ассистент, Андижон Давлат Тиббиёт институти

Аннотация: Ушбу мақолада сабзининг кимёвий таркиби ва ундан халқ табобатида фойдаланиш ўринлари келтирилади.

Калит сўзлар: витамин А, РР, бета-каротин, тиамин, рибофлавин.

Аннотация: В данной статье приведены химический состав морковы и его использование в народной медицине.


Ключевые слова: витамин А, РР, бета- каротин, тиамин, рибофлавин.

Anotation: This article describes the chemical composition of carrot and its use in folk medicine


Key words: Vitamin A, PP, beta-carotene, tiamin, riboflavin.

Сабзининг кимёвий таркиби ва ундан халқ табобатида фойдаланиш: САБЗИ (*Daucus*) — соябонгулдошлар оиласига мансуб икки, қисман бир йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми, сабзавот экини. Сабзининг 60 дан ортиқ тури бор. Бир тури (*Daucus carota*) — маданий сабзи экилади. Бу тур Ғарб (Ўрта Ер денгизи ҳавзасидан келиб чиқкан 4 тур-хил — каротинли, сарик, оқ, бинафшаранг сабзилар) ва Осиё (Афғонистон ва унга яқин ҳудудлардан келиб чиқкан 6 тур-хил — сарик, бинафшаранг, қизил, тўқ бинафшаранг, пушти, оқ сабзилар) кенжा турига бўлинади.

Уруғи майда, 1000 донаси 1—1,5 г. Илдизмеваси серсув, навига қараб думалокроқ, цилиндрический, ранги сарик, оқ ва баъзан қизғиши, оч қизил, узунлиги 8—17 см, вазни 30—200 г ва ундан ортиқ. Сабзиси (илдизмеваси) да 10—12 % қанд, 9,2% углеводлар, 1,1% азотли моддалар ва С, В₁, В₂, РР витаминлари, 9,0 (20—25 гача) мг% каротин бор. Сабзи инсон озиқ-овкат рациона иде мухим ўринда туради. Янгилигига истеъмол қилинади, консервалар тайёрланади, тиббиётда эса сабзидан турли дори-дармонлар тайёрланади. Шимолий ҳудудларда ва Европа мамлакатларида, асосан, қизил, Марказий Осиё мамлакатларида сарик сабзи экилади. Ўзбекистонда халқ селекциясида сабзининг жуда кўп навлари яратилган. Ҳозирги даврда сабзининг Мушак 195 (эртапишар) ва Нурли (ўртапишар), Мирзой қизил 228, Мирзой сарик 304 (ўрта эртаги), Нант 4, Шантанэ 2461 (ўртаги) ва Зийнатли, Каскаде F, Пума F, ва бошқа навлари ва дурагайлари экилади.



А витамин



β-каротин

ОРГАНИК ТАРКИБИ ВА КАЛОРИЯ МИҚДОРИ

| Озукавий қыймати | Таркиби (100 гр учун) |
|--------------------|-----------------------|
| Калория | 35 ккал |
| Оксил | 1.3 гр |
| Ёғ | 0.1 гр |
| Углевод | 6.9 гр |
| Сув | 88 гр |
| Тола | 2.4 гр |
| Органик кислоталар | 0.3 гр |
| Витамин С | 7 мг |
| Витамин | 451 мкг |
| Бета каротин | 2706 мкг |
| Глисемик индекс | 35 |

Буйрак-тош касаллиги. Сабзини ювіб, майда қирғичдан үтказилади. Уч ош қошиқни устига уч стакан қайноқ, сув қуйиб, кечқурун дамлаб қўйилади. Эрталаб дамлама илиқ холда кунига бир неча марта ичилади. Даволаниш муддати - бир ой.

* уругидан бир ош қошиги устига кечқурун ярим литр қайноқ сув қуйилади. Эрталаб уч дақиқа қайнатиб, совигач сузуб олинади. Илиқ холда кунига 5-6 махал ярим стакандан овқатдан олдин ичилади.

Буйрак яллиғланиши. Уругидан уч ош қошиқни устига кечқурун бир литр қайноқ сув қуйиб, дамлаб қўйилади. Эрталаб сузуб, кунига 4-6 махал 0,7 стакандан оч холда ичилади. Бу димлама нефритда, буйракда тош, шишлар пайдо бўлганда, сийдикнинг кундалик миқдори камайганда ичилади.



Гижжалар. Ёнгок баргиға сабзи уруғини тенг миқдорда қўшиб қайнатиб, овқатдан ярим соат олдин уч махал ярим стакандан ичилса, гижжалар тушади.

Сабзини қиргичдан ўтказиб, уч ош кошиқни устига бир стакан сут қуйиб қайнатилади. Кунига бир ош қошиғи 3-4 махал истермол қилинса, гижжалар тушади.

Шарбатидан 30-40 мл олиб, кунда бир махал бир хафта хуқна қилинади.

Уруғи толқонидан ярим чой қошиқдан истемол қилинса, гижжа хайдашда яхши шифо бўлади.

* Уруғидан бир чой қошиқни устига бир стакан қайнок сув қуйиб, ўн дақиқа дамлаб қўйилади. Кунига нахорда бир ош қошиқдан ичилади.

Шарбатига шакар ёки асал аралаштириб кунига икки махал бир-икки ош қошиқдан ичилса, гижжалар тушади.

Қиргичдан ўтказилган сабзи гижжаларни яхши хайдайди.

Жигар яллигланиши.Хар куни қайнатилган сув билан сабзи шарбатини тенг миқдорда қўшиб, овқатдан ярим соат олдин 0,3 стакандан ичиш керак.

* Хар куни 7 г еввойи дашт сабзиси гиёхини қуритиб, янчилади. Чой ва асалга аралаштириб ичилса, совуқ жигарга иссиклик баҳш этади.

* Сабзини сувда кайнатиб, асал кушиб истемол қилинса, қонни тозалайди ва жигарга ёрдам беради.

* Шарбатидан ярим стаканига ярим стакан иссиқ сут қўшиб аралаштирилади.

Бир ой нахорга ичилади. Бу қоришка жигар фаолиятига хам ёрдам беради.

Жигар циррози. Сабзи, помидор хамда сабзи шарбатлари ва исмалоқ (10:6 нисбатда), сабзи, лавлаги ва бодринг шарбатлари (10:3:3 нисбатда) истеъмол қилинади.

* Жигар циррози бор беморнинг таомида доимо асал, грейпфрут бутқаси, қовок эти, сули қайнатмаси, сабзи ўти билан оддий бодрезакнинг барги ва мевасидан тайёрланган қайнатма, сарсабил, бақлажон, лавлаги ва денгиз карами қайнатмалари бўлиши керак.

Она сути камлиги. Икки кг сабзи икки литр сувда мил-мил қайнатилиб, кунига уч махал 250 мл дан ун кун давомида истеъмол қилинади.

Бир неча хафта давомида хар куни 2-3 махал сутда пиширилган сабзи истеъмол қилиш керак.

Сабзи она сутини нихоятда кўпайтирувчи самарали воситалардан хисобланади. Кунига 3-4 махал овқатдан бир соат олдин ёки бир соат кейин бир стакандан сабзи шарбати ичиб туриш тавсия этилади.

Хулоса қилиб айтганда, табиий дори воситаларига талаб ортиб бораётган даврда шифобаҳш ўсимликлар кимёвий таркибини ўрганиш, улардан озиқ-овқат қўшилмалари яратиш давр талабидир. Хозирги кунда халқ табобатида ишлаб чиқариладиган табиий гиёҳлар ва озиқ-овқат қўшилмалари арzon ва юқори самарадорликка эга хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.Р.Асқаров “Табобат қомуси” Тошкент “Мумтоз сўз” 2019 й
2. И.Р.Асқаров “Сирли табобат” Тошкент “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи” 2021.
3. Ҳ.Ҳ.Холматов, Ў.А.Аҳмедов. “Фармокогнозия “. Тошкент, “Абу Али ибн Сино номидаги Тиббиёт нашри”
4. Азимжон Жўраев “Халқ табобати” Тошкент, “Шарқ” 2008 й